

Тошкент шаҳар транспорт мажмуасига кирувчи идоралар ва “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналарнинг 2016 йил I-чорак иш якунлари бўйича ҳисобот

2016 йил I-чораги давомида “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти томонидан Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги **2048-сонли**, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 ноябрдаги **308-сонли** ва 2014 йил 4 июлдаги **179-сонли** қарорлари бўйича муайян ишлар олиб борилди.

Жумладан,

I. Асосий фаолият тури бўйича.

Тошкент шаҳар транспорт мажмуаси томонидан 2016 йил I-чорак якунлари бўйича:

- **320,3 млн.йўловчи** ташилиб, режа **99,9%**га бажарилди ва **0,3 млн. йўловчи** кам ташилди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайиш суръати **0,9%**ни ташкил этиб, **2,9 млн.йўловчи** кам ташилди;

- **86,8 млрд.сўм** миқдорида даромад олинди, режа **102,2%**га бажарилди ва режага нисбатан **1,87 млрд.сўм** кўп даромад олинди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати **101,0%**ни ташкил этиб, **0,8 млрд.сўм** кўп даромад олинди.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналари томонидан 2016 йил I-чорак якунлари бўйича:

- **77,3 млн.йўловчи** ташилиб, режа **101,1%**га бажарилди, яъни **0,8 млн.йўловчи** кўп ташилди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайиш суръати **11,5%**ни ташкил қилди, яъни **10,0 млн.йўловчи** кам ташилди;

- **68,7 млрд.сўм** миқдорида даромад олинди, режа (**67,1 млрд.сўм**) **102,3%**га бажарилди ва режага нисбатан **1,6 млрд.сўм** кўп даромад олинди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати **102,2%**ни ташкил этиб, **1,48 млрд.сўм** кўп даромад олинди. Юқоридаги даромадларда давлат бюджети томонидан имтиёзли йўловчилар ташилишидан йўқотилган **5,9 млрд.сўм** миқдоридаги қоплаб берилган даромадлар ҳисобга олинган.

Шаҳар йўналишида йўловчилар ташиш миқдори **74,8 млн.йўловчи** ташилиши кутилиб, бу эса ўтган йилга нисбатан **10,0%** пасайишни кўрсатади, яъни **8,3 млн.йўловчи** кам ташилади. Йўловчи ташиш ҳажмининг пасайишига асосий сабаблар қуйидагилар:

- ойлик йўл қарточкалари сотилишининг камайиши. 2016 йил I-чорак якуни бўйича **270 744** дона ойлик йўл қарточкалари сотилиб, бу эса 2015 йил шу даврига нисбатан пасайиш суръати **10,9%** ташкил қилди, яъни **33 114** дона қарточка кам сотилди. Бунинг натижасида йўловчи ташиш ҳажми **11,6%** камайиб, **4,4 млн. йўловчи** кам ташилди;

- автобусларда йўловчилар ташиш ҳажмининг камайиши. 2016 йил I-чорак якуни бўйича автобус корхоналари томонидан **59,3 млн.йўловчи** ташилиб, 2015 йил шу даврига нисбатан пасайиш суръати 10,9% ташкил қилди, яъни 7,2 млн.йўловчи кам ташилди. Бунинг асосий сабаби техник сабабларга кўра автобусларнинг корхоналарга қайтиб кириш ҳолатларининг ўсиши, соатлар бўйича ўрнатилган графикларнинг ёпилмаслиги, корхоналарнинг дизель ёқилғиси билан тўлиқ даражада таъминланмаётганлиги, ҳайдовчилар томонидан ўрнатилган кунлик пул тушуми режасининг бажармаслиги;

- трамвайларда йўловчилар ташишнинг камайиши. 2016 йил I-чорак натижалари бўйича трамвайларда йўловчи ташиш ҳажми **2,1 млн.йўловчини** ташкил қилиб, 2015 йил шу даврига нисбатан пасайиш суръати 46,7% ташкил қилди, яъни 1,9 млн.йўловчи кам ташилди. Бунинг сабаби 13 трамвай йўналишининг қисқартирилганлигидир;

- соатбай ташувларда йўловчилар ҳажмининг камайганлиги. 2016 йил I-чорак натижалари бўйича соатбай ташувларда йўловчи ташиш ҳажми **0,7 млн.йўловчини** ташкил қилиб, 2015 йил шу даврига нисбатан пасайиш суръати 66,9% ташкил қилди, яъни 1,4 млн.йўловчи кам ташилди. Бунинг сабаби соатбай хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар билан тузилган шартномаларнинг камайганлиги.

2016 йил I-чорак якунларида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ бўйича шаҳар йўналишида йўловчилар ташишдан олинган даромадлар 56,8 млрд.сўмни ташкил этиб, режа 9,7%га кам бажарилган ёки 6,1 млрд.сўм кам даромад олинган. 2015 йил шу даврига нисбатан пасайиш суръати 9,5%ни ташкил қилиб, 6,0 млрд.сўм кам даромад олинган. Ушбу даромадларнинг пасайишига асосий сабаб йўналишда олинган даромадларнинг 7,9%га ёки 3,3 млрд.сўмга пасайганлиги, ойлик йўл карточкалари сотилишининг 11,7%га ёки 2,1 млрд.сўмга камайганлиги ҳамда бошқа тур фаолиятдан олинган даромадларнинг 43,0%га ёки 0,7 млрд.сўмга камайганлигидир.

2016 йил I-чорак якунлари бўйича “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналар бўйича кутиладиган ҳаражатлар миқдори 83,5 млрд.сўмни ташкил қилиб, режага нисбатан 4,6%га ёки 4,1 млрд.сўмга кам ҳаражат қилиниши кутилмоқда. 2015 йилнинг шу даврига нисбатан эса ҳаражатлар миқдори 1,2%га ёки 1,0 млрд.сўмга кам бўлиши кутилмоқда.

2016 йил I-чорак якунлари бўйича жамият тизимидаги корхоналар фаолиятдан кўрилган зарар миқдори 23,1 млрд.сўмни ташкил қилиб, режага нисбатан 9,5%га ёки 2,0 млрд.сўмга кўп бўлиши кутилмоқда. 2015 йил шу даврига нисбатан зарар миқдори 32,3%га ёки 5,6 млрд.сўмга кўп бўлиши кутилмоқда. Зарар кўриш миқдори режа бўйича 25,2%ни ташкил этиб, I-чорак якуни бўйича эса 28,9%ни ташкил қилиши кутилмоқда. Бунда зарар кўриш миқдорининг режага нисбатан 15,0%га ўсиши кутилмоқда.

II. GPS тизими тўғрисида маълумот.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйича мавжуд бўлган 125 та автобус ва 6 та трамвай, жами 131 та йўналишларда тасарруф этилаётган 1 463 та автобус ва трамвайларга GPS-трекерлари ва GPS/GSM-антенналари ўрнатилган. GPS тизимида ишлаётган автобус ва трамвайларни “он-лайн” назорат қилиб бориш мақсадида янги нозимлик хизмати ташкил этилган. Ҳаракат таркибининг ҳаракатини узоқдан назорат қилиш тизимидан (GPS) асосий иқтисодий самарадорлик автобус ва трамвай йўналишларини назорат қилиш орқали эришилиб, бунинг натижасида ҳаракат интервалларига риоя қилиниши таъминланмоқда, йўналишлардан автобус ва трамвайларнинг техник сабабларга кўра қайтиб кириши ва йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳолатлари камайтирилмоқда.

III. Йўловчи ташиш транспорти учун Тошкент ҳалқа йўли бўйлаб 8та автостанция қуриш ва битта автостанцияни реконструкция қилиш бўйича 2016 йил 1 апрель ҳолатига маълумот

Тошкент вилояти ҳокимияти томонидан 2016 йил 1 мартда Тошкент шаҳар ҳокимияти ва “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга 2-3-798-сонли хат юборилиб, ушбу хатда 9 та автостанция қурилиши учун зарур бўлган ер майдонларини ажратиш тўғрисидаги Тошкент вилояти Зангиота, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманлари ҳокимларининг қарорлари илова қилинган:

- Зангиота тумани ҳокимининг қарори билан Уч қахрамон автостанцияси бўйича 2016 йил 25 январдаги 66-сон қарори билан 2,61 га, Келес автостанцияси бўйича 2016 йил 25 январдаги 67-сон қарори билан - 0,4 га, по автостанции Эркин автостанцияси бўйича 2016 йил 25 январдаги 68-сон қарори билан - 4,9 га, по автостанции Зангиота автостанцияси бўйича 2016 йил 25 январдаги 69-сон қарори билан - 3,0 га, по автостанции Назарбек автостанцияси бўйича 2016 йил 25 январдаги 70-сон қарори билан – 1,2 га, по автостанции Минерал сувлар автостанцияси бўйича 2016 йил 26 февралдаги 199-сон қарори билан - 0,3 га ер ажратилган;

- Қибрай туман ҳокимининг Салор автостанцияси бўйича 2015 йил 5 декабрдаги 2620-сон қарори билан - 0,12 га ер ажратилган;

- Юқори Чирчиқ туман ҳокимининг Бахт автостанцияси бўйича 2015 йил 17 декабрдаги 2259-сон қарори билан – 6,0 га ер ажратилган;

- Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимининг Қўйлик автостанцияси бўйича 2015 йил 29 декабрдаги 1398-сон қарори билан - 2,0 га ер ажратилган.

“Ягона буюртмачи хизмати” ИК томонидан 2016 йил 1 апрелда Тошкент шаҳар ҳокимиятига юборилган 4-1311-сонли хатида автостанцияларни қуриш ва лойиҳалаш учун Архитектура ва қурилиш Бош бошқармасига Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорини тайёрлаш бўйича топшириқ берилиши сўралган.

IV. 2014 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида ўтказилган 62-сонли йиғилиш баёни топшириғига биноан Тошкент метрополитени “Пахтакор”, “Ҳабиб Абдуллаев”, “Чорсу”,

“Беруний”, “Олмазор” ва “Дўстлик” бекатлари ёнидаги автобус охириги бекатларини тиклаш бўйича 2016 йил 1 апрель ҳолатига маълумот.

Ер усти транспорти йўналишларини метрополитен станциялари билан боғлайдиган автошоҳбекатлар ташкил этиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан “Чорсу” ва “Дўстлик” автошоҳбекатлари тасарруфга туширилди. 2014-2016 йиллар мобайнида ушбу бекатларга қуйидаги шаҳар йўловчи транспорти йўналишлари бириктирилди:

а) «Чорсу» бўйича - «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ тизимидаги корхоналарнинг учта йўналиши (109, 123, 188 - сонли) ва «Тошвилтранстерминал» Ассоциацияси таркибидаги корхоналарнинг 8 та йўналишлари;

б) «Дўстлик» бўйича - «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ тизимидаги корхоналарнинг 4 йўналиши (15, 22, 49, 54 - сонли) ҳамда масъулияти чекланган жамиятларнинг 3 йўналишли такси йўналишлари (72М, 115М, 166М -сонли).

Бундан ташқари, “Пахтакор” метро станцияси олдидаги бекатга 3 автобус йўналиши (1, 64, 65 -сонли) ва йўналишли таксиларнинг 4 та йўналиши (124М, 130М, 142М, 171М -сонли), “Беруний” бекатига эса 1 та автобус йўналиши (78-сон) бириктирилган.

“Беруний” бекати бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 29 сентябрдаги 846-сонли қарори билан 0,20 га ер майдони ажратилди ва Буюртмачига (“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси) топширилди;

“Пахтакор” бекати бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори чиқарилган, лойиҳа ишлари якунланиб Буюртмачига (“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси) топширилди;

“Олмазор” бекати бўйича “Дуран Петролеум” МЧЖ ер майдонидан ажратилиши варианти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тавсия этилган ва маъқулланган;

“Шахристон” (Ҳабиб Абдуллаев) бекати бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 29 сентябрдаги 846-сонли қарори билан 0,45 га ер майдони ажратилди ва Буюртмачига (“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси) топширилди.

Ер усти транспорти йўналишларини метрополитен станцияларига боғлайдиган 5 та автошоҳбекатлар бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан 2015 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 02-1191 - сонли хат билан объектларнинг қурилиши ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Идоралараро кенгашига мурожаат қилинган ҳолда Республика бюджети ҳисобидан амалга оширилиши таклифи берилган.

V. Компания тармоқ корхоналари тасарруфидаги йўналишлар фаолияти тўғрисида маълумот

2016 йил I-чорак якунларига кўра 2 та (9-сон “Узумзор мавзеси”га ва 65-сон “Пахтакор” метросигача) автобус йўналишларининг йўналиш ҳаракати узайтирилди, 1 та (29-сон “Малика” бекатигача) йўналишнинг йўналиш ҳаракати қисқартирилди, 7 та (58-, 76-, 83-, 88-, 89-, 95- ва 152-сон) йўналишларнинг йўналиш ҳаракатига ўзгартириш киритилди.

2016 йилнинг февраль ва март ойларида ёқилғи-мойлаш материалларидан (дизель ёқилғиси) самарали фойдаланиш мақсадида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги 9 та автобус саройларининг жадвал ва қатновлар сонини ўзгартириш бўйича “Кун-соат бўйича транспорт воситаларининг ишлаш эталони” қайтадан ишлаб чиқилди. 2016 йил I-чорак давомида йўналишлар тармоғини мувофиқлаштириш ва йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида:

- 9 та (17М, 17И, 37М, 46М, 62М, 75М, 121М, 142М, 155М) йўналишлар ҳаракатига ўзгартириш киритилди;

- 9 та (18И, 29М, 37М, 62М, 75М, 91М, 105М, 142М, 155М) йўналишлардаги жадваллар сонига ўзгартириш киритилди;

- 5 та (11М, 75М, 18М, 125М, 183М) йўналишларида хизмат кўрсатиш вақтинчалик (тендергача) берилди;

- 1 та (122М) йўналиш ташкил қилинди.

VI. Янги иш ўринлари яратиш ва малака ошириш дастури ижроси бўйича.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналарида 2016 йил давомида жами 159 та янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган, шу жумладан III-чоракда 76 та ва IV-чоракда 83 та. Янги иш ўринлари автобус саройлари томонидан йўловчи ташишга мўлжалланган “Исузу” русумли янги автобусларни харид қилиш ҳисобига яратилиши режалаштирилган. 2016 йилнинг I-чорагида янги иш ўринлари яратиш режалаштирилмаган. 2016 йилнинг I-чорагида жами 53 нафар, шу жумладан 32 нафар автобус ва 5 нафар трамвай ҳайдовчиси, 16 нафар бошқа турдаги мутахассислар тайёрланди. Ҳозирда жамият ўқув марказида 52 киши автобус ҳайдовчиси тайёрлаш курсларида таҳсил олмоқда. Шунингдек, жами 65 нафар ходим, шу жумладан 16 нафар таъмирловчи ва 49 нафар раҳбар ва муҳандис-хизматчилар турли йўналишларда ўз малакасини оширди. Ўқув ишлаб-чиқариш марказида махсус дастур асосида 50 нафар ходим газли қурилмаларда ишлаш бўйича ўқув курсларида ўқитилди. 2016 йилнинг I-чорагида жамият корхоналарида касб-ҳунар коллежларининг 1 558 нафардан ортиқ ўқувчилари амалиёт ўтдилар, бугунги кунгача улардан 280 нафари билан ишга жойлаштириш юзасидан тўрт томонлама шартномалар тузилди. Шу билан бир қаторда, Тошкент автомобиль ва йўллар институти билан мазкур институтнинг 60 нафар талабасининг ишлаб-

чиқариш ва дипломолди амалиётини тармоқ корхоналарида ташкиллаштириш тўғрисида шартнома тузилди.

VII. Дебитор ва кредитор қарздорликлар

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг умумий **дебитор қарздорлиги** 2016 йил 1 апрель ҳолатига **5,6 млрд. сўмни** ташкил этиб, 2016 йил 1 январь ҳолатига нисбатан **0,5 млрд.сўмга кўпайган**.

Жамият корхоналари томонидан пахта йиғим-терими мавсумида кўрсатилган автотранспорт хизматлари учун корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик қарздорликлари 2016 йил 1 апрель ҳолатига кўра **2,6 млрд.сўмни ташкил этади**. Бундан ташқари, Тошкент шаҳар ИИББ қарздорлиги – 1,1 млрд.сўм ва бошқалар ташкилотларнинг қарздорлиги – 1,9 млрд.сўмни ташкил этмоқда.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг умумий **кредитор қарздорлиги** 2016 йил 1 апрель ҳолатига **25,5 млрд.сўмни** ташкил этиб, 2016 йил 1 январь ҳолатига нисбатан **0,6 млрд.сўмга камайди**.

Компания корхоналарининг 2016 йил 1 апрель ҳолатига кўра “Пахта нефт базаси” УК олдидаги дизель ёқилғиси учун кредиторлик қарздорлиги 2,2 млрд. сўмни, сарфланган электр энергияси учун “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” олдидаги кредиторлик қарздорлиги 4,5 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

VIII. Маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуна ва жиҳозларни алмаштириш бўйича.

2016 йил прогноз кўрсаткичлари бўйича “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибига кирувчи 9 та тармоқ корхоналарида жами 128 дона маънавий ва жисмонан эскирган асбоб-ускуна ва жиҳозларни алмаштириш режалаштирилган.

Шу жумладан, 2016 йил I-чорагининг прогнозида алмаштирилиши зарур бўлган 25 та дона асбоб-ускуна бўлиб, амалда 20 та дона харид қилинди ва прогноз кўрсаткичлари 80,0%га бажарилди. Жамият корхоналари кесимида “5-автобус саройи” МЧЖ ва “18-автобус саройи” МЧЖларининг ҳар бирида 2016 йил I-чорагида 4 донадан асбоб-ускуна алмаштирилиши режалаштирилганлигига қарамасдан, режа 50%га бажарилган. Шунингдек, “7-автобус саройи” МЧЖ бўйича 2016 йилнинг I-чорагида 1 дона асбоб-ускуна алмаштирилиши режалаштирилганлигига қарамасдан, режа умуман бажарилмаган.

IX. Металл парчалари ва чиқиндиларини топшириш бўйича маълумот.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ бўйича 2016 йил I-чорада 1 572,0 тонна қора ва 22,0 тонна рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларини тайёрлаб, топшириш режаси ўрнатилган. 2016 йил I-чорак натижалари бўйича қуйидаги натижаларга эришилди:

Қора металл бўйича

2016 йил I-чорак якунларига кўра қора металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва топшириш **328,6 тоннани** ташкил этиб, 2016 йил I-чорак прогнозига нисбатан **20,9 %** га бажарилди. Режага (1 572,0 тонна) нисбатан 1 243,4 тонна кам қора металл парчалари топширилди.

Рангли металл бўйича

2016 йил I-чорак якунларига кўра рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва топшириш **11,26 тоннани** ташкил этиб, 2016 йил I-чорак прогнозига нисбатан **51,2%** га бажарилди. Режага (22,0 тонна) нисбатан 10,74 тонна кам рангли металл топширилди.

Режа топшириқлари бажарилмаганлигининг сабаби жамият корхоналарида қора ва рангли металл чиқиндилари асосан ҳаракат воситаларини ҳисобдан чиқариш ҳисобига тайёрланишидир. 2008-2013 йилларда автобусларнинг янгиланиши ҳисобига тасарруф муддатини ўтган автобуслар асосан ҳисобдан чиқарилди ва яқин вақтларда ҳаракат воситаларини катта миқдорда ҳисобдан чиқариш режалаштирилмапти.

X. Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси бўйича.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 мартдаги 59-сонли “2015 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкиллаштириш ва ўтказиш чоралари тўғрисида”ги қарорига асосан 2015 йил октябрь - ноябрь ойларида бўлиб ўтган IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибига кирувчи корхоналар томонидан 2016 йилга умумий қиймати **28 038,59 млн.сўмлик** 132 та шартномалар имзоланди.

2016 йил I-чорак якунларига кўра **2 791,31 млн.сўмлик** асосий воситалар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар харид қилинди.

XI. Қурилиш-пудрат ишлари ҳажми бўйича маълумот.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналари томонидан 2016 йил I-чорак якунларига кўра **0,874 млрд.сўмлик** қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилиб, режа 30,85%га бажарилди. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги корхоналар молиявий аҳволидан келиб чиққан ҳолда ҳамда корхоналар маблағларининг самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида ҳар бир корхонада 2015 йилда қурилиш гуруҳи ташкил этилди. Жамият таркибидаги корхоналарда қурилиш-таъмирлаш ишларининг қурилиш гуруҳи томонидан бажарилиши натижасида корхоналар маблағларининг тежалишига эришилмоқда.